

**МУҲАММАД АЛИНИНГ “АЛТОЙИР ЮЛДУЗИ” ҲИКОЯСИДА ТАРИХНИНГ
ТАЛҚИНІ**

М.Ҳамраева

ф.ф.н., доц. Термиз ДУ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11179700>

Аннотация. Уибұ мақола ўзбек адабиетида “Фазодаги ҳислар”, “Шафақ”, “Оталар юрти”, “Достонлар”, “Оқ нур”, “Илхом парией”, “Сен бир гулсан”, “Она дуоси” каби шеърий асарлари ҳамда “Машраб” достони, “Сарбадорлар”, “Улуг салтанат” каби тарихий романлар мұаллифи Мұхаммад Алиниң “Алтойир юлдузи” ҳикоясида тарихнинг талқини масаласи таҳлилига бағишиланған. Адиб ижодида тарихий мавзу етакчи үрин тутиши, у яратған тарихий ҳикоя ва романларда тарихнинг талқини, тарихий шахсларимиз сиймосининг ёрқын рангларда акс эттирилиши, ёзувчи ижодининг ўзига хослык жиһатлари ўрганилди.

Мұхаммад Али ўзбек адабиетида “Боқий дунё” шеърий романи, *Машрабнинг фожеали ҳаётига бағишиланған “Машраб” достони*, замонавий мавзудаги “Бешгүл”, “Заминда яшаймиз”, “Мұхаббат” достонлари ҳамда Соҳибқирон Амир Темур даврини ёритувчи қатор тарихий асарлари “Сарбадорлар”, “Улуг салтанат” ва бошқа асарлар яратиб, самарали ижод қилиб келаётган севимли ёзувчилардан бири ҳисобланади. Үнинг қаламига мансуб бўлган асарларда тарих ва тарихий шахс тимсоли ўзгача тарзда талқин этилгани, қаҳрамоннинг ички руҳияти, асарнинг ишонтириши қуввати кучлилiği, ўзига хос таассурот уйготиши каби масалалар таҳлилга тортилгани билан аҳамиятлидир.

Калит сўзлар: Онҳазрат, Мирзо Улугбек, расадхона, Алтойир юлдузи, тарихий шахс образи, тарихий шароит, Али Қушиби, тарихнинг талқини ва бошқалар.

INTERPRETATION OF HISTORY IN THE STORY OF MUHAMMAD ALI "STAR OF ALTAYIR".

Abstract. This article focuses on Uzbek literature such poetic works as "Feelings in Space", "Dawn", "The Land of the Fathers", "Epics", "Aq Nur", "Ilhom Pariey", "Sen bir Gulsan", "Mother's Prayer" and the epic "Mashrab"., the author of such historical novels as "Warlords" and "Ulug' Sultanat" Muhammad Ali is devoted to the analysis of the interpretation of history in the story "Star of Altayir". The historical subject takes a leading place in the writer's work, the interpretation of history in the historical stories and novels created by him, the image of our historical figures are reflected in bright colors, and the unique aspects of the writer's work were studied.

In the Uzbek literature of Muhammad Ali, the poetic novel "The Eternal World", the epic "Mashrab" dedicated to the tragic life of Mashrab, the contemporary epics "Beshgul", "We live in the land", "Love" and a number of historical works covering the era of Sohibqiron Amir Temur "Sardadors", "The Great" sultanat" and other works, he is one of the favorite writers who has been creating effectively. It is important that the history and the historical figure are interpreted in a special way in his works, the inner psyche of the hero, the strength of the work's persuasive power, and the way it creates a unique impression are analyzed.

Key words: Onhzarat, Mirzo Ulugbek, observatory, Altayir star, image of a historical person, historical circumstances, Ali Kushchi, interpretation of history, etc.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ИСТОРИИ В ПОВЕДЕНИИ МУХАММАДА АЛИ «ЗВЕЗДА АЛТАИРА».

Аннотация. В данной статье рассматриваются такие поэтические произведения узбекской литературы, как «Чувства в космосе», «Рассвет», «Земля отцов», «Эпосы», «Ак Нур», «Ильхом Парей», «Сен бир Гюльсан», «. «Молитва матери» и «Машраб».» эпоса, автора таких исторических романов, как «Военачальники», «Улуг Султанат», повесть Мухаммеда Али «Звезда Алтаира» посвящена анализу вопроса интерпретации истории. Историческая тема занимает ведущее место в творчестве писателя, в созданных им исторических повестях и романах осмысление истории, яркими красками отражены образы наших исторических деятелей, изучены уникальные стороны творчества писателя.

В узбекской литературе Мухаммеда Али поэтический роман «Вечный мир», эпос «Машраб», посвященный трагической жизни Машраба, современные эпосы «Бешгуль», «Мы живем на земле», «Любовь» и ряд исторических произведений, охватывающих эпоху Сохибкирона Амира Темура «Сардадоры», «Великий сultanat» и других произведений, он является одним из любимых писателей, эффективно творящих. Важно, что в его произведениях по-особому трактуются история и историческая фигура, анализируется внутренняя психика героя, сила убеждающей силы произведения, то, как оно создает неповторимое впечатление.

Ключевые слова: Онхазрат, Мирзо Улугбек, обсерватория, звезда Алтаир, образ исторической личности, исторические обстоятельства, Али Кушчи, интерпретация истории и др.

Гватемалалик ёзувчи ва дипломат, Нобел мукофоти соҳиби (1967) Мигел Анхел Астуриаснинг “Тўғри, ёзувчи оддийгина сўзларни ишлатади, лекин уларнинг ўзига яраша қанча қонунлари, қоидалари бор! Сўзларда у яратадиган дунёларнинг юрак уриши эшитилади. Улар ёғоч каби, металл каби товуш чиқаради, жаранглайди. Улар товушларга тақлид қиласди. Бизнинг ишимизда энг аввал мана шуни-товушга тақлидни ҳисобга олиш лозим” деган фикрини Ўзбекистон халқ ёзувчisi Муҳаммад Али ижодига нисбатан ишлатсак, адолатдан бўлади. Боиси, ёзувчи асарларида тарихий шахсларимизнинг юрак уриши эшитилгандай бўлади. Асарларида ишонтириш қуввати юқорилиги, айниқса, тарихий воқеаларнинг ҳаққоний тарзда тасвирланиши ҳам ёзувчи маҳоратининг юксаклигидан далолат беради.

Муҳаммад Али Амир Темур ва темурийлар даври бўйича турли хилдаги асарларни яратди. Айниқса, унинг бу мавзудаги ҳикоялари алоҳида тадқиқ қилишга арзиди.

Ёзувчининг “Алтойир юлдузи” ҳикояси ҳам фикримиз далилидир. Польшалик ёзувчи ва таржимон Ян Парандовский “Ёзув санъатига мурожаат қилган, бирор сабаб билан қалам тебратган ҳар қандай одамни “ёзувчи”, деб аташ жоиз эмас. Ёзувчининг сўз санъаткори сифатидаги характерли белгиларини унинг хаёлотидан, илҳомидан, оламни жуда теран идрок этишидан изламоқ керак. Ёзувчининг ёзувчилиги у танлайдиган бадиий воситаларда намоён бўлади. Бу воситалар ёзувчи тасвирлайдиган воқеа-ҳодисалар китобхонда имкон қадар кенг ва теран таассурот уйғотмоғи талаб этилади” деганларида ҳақ эди. Адибнинг “Алтойир юлдузи” ҳикояси Темурийлар даврида алоҳида мавқега эга бўлган маърифатли шоҳ Мирзо Улуғбекнинг фожеали ҳаётига бағишлиланган. Айни шу ҳикояда тасвирланган лавҳалар Парандовский фикрлари қанчалик тўғрилигини тасдиқлайди. Асар Мирзо Улуғбекнинг Кўксарой тахтидан тушиши эпизоди билан бошланган. Шу ўринда Мирзо Улуғбек руҳиятини англаған китобхон мансаб, мол-дунё, бойлик ҳеч қачон вафо қилмаслигини тушуниб етади. Ёзувчи кўнглидаги ғояни уқиган инсон моддиятдан кўра, оддий инсон бўлишни афзал билади”.... У ҳам эл қатори бир одам, худонинг бандаси. Мударрис, Кўҳакдаги расадхона мутасаддийси...”.

Адиб воқеалар жараёнида иккиюзламачи инсонларнинг қиёфасини чизиб беради.

Шу билан биргаликда, дунёнинг бевафолигини ёритади. Ҳаттоқи, буни султонлик маснадида ўтирган кимсанинг аянчли аҳволини кўрсатиш билан исбот этмоқчи бўлади.

Айниқса, адиб томонидан битилган“. Кечагина Мирзо Улуғбек пойини ўпиб, тўнининг пешини кўзига суртишни орзу қилган кимсалар энди бошқанинг атрофида парвона! Улар қирқ йил султонлик маснадида ўтирган соҳибкiron Амир Темур Кўрагон набирасини энди танишмайди. Водариф!” деган сўзлари Мирзо Улуғбек ички менини

ёритишда омил бўлиб хизмат қилган. Айни шу ўринда Мирзо Улуғбекнинг руҳий ҳолатини ёритиш учун ёзувчи “дунё бир қудук кабидур, қудук бўлганда ҳам суви қуриган қудук. У эса ана шу қудукка тушиб қолгандай эди” каби дейиши ишонарли чиқкан. Мирзо Улуғбек характеридаги маърифатпарварлик фазилати асар давомида бўртиб кўринади. У сultonлик маснадида ўтирган кимсалардан кўра, илм-фан йўлида риёзат чеккан шогирди Али Қушчи билан гаплашишни афзал кўради. Али Қушчи билан сухбат чоғида Мирзо Улуғбекнинг ота сифатидаги фазилатлари кўринади.”... - Фарзандлар... Ё, оллоҳ! Бир бандангда нима қасдинг бор эдик, фарзандлардан... Йўқ, йўқ, фарзандларнинг борига шукур! Қани, бандаси фарзанднинг бир мўйини, бир тирноғини яратиб кўрсин-чи! Фарзандни ҳам парвардигор берғонга беради! Лекин нега фарзандларим бир-бирлари билан иноқ эмаслар-а?.. Нега? Нега улар оталарининг бағрини тилаётғонларини билмайдилар, билишга уринмайдилар ҳам?.. Ахир ота ҳам дунёда якка-ягона-ку! Нега фарзандлар оталарини ўтга отишлари керак? Ота бўлғонлиги учунми? Шу ёруғ дунёга келишларида сабабчи бўлғони учунми?.. Э, хом сут эмган бандалар!...”. Ушбу фикрлар қайсиdir нуқтада бугунги кун учун ҳам аҳамиятли эканини зийрак китобхон тушуниб етади. Матн мазмунидан ҳар сония учун Аллоҳга шукур айтиб яшаш лозимлигини уқтироқчи бўлгандай гўё. Ҳаттоқи, 1018 та юлдузнинг ҳолатини ўрганиб, астрономия фанининг ривожига муносиб ҳисса қўшган, маърифатпарвар шоҳ Мирзо Улуғбек “Фарзандни ҳам Аллоҳим берганга беради. Бергани учун ҳам шукур” дейди. Мирзо Улуғбекнинг фарзандларнинг ўзаро низолари, тож-тахт қурашларидан изтироб чекиши унинг ота сифатида фарзанд тақдиридан хавотирда ифода қилган сўзларида кўринади. Кези келганда, унинг бағрикенглиги, болажонлиги сезилади. “... Шундоқ яратғонига шукур! Аммо, фарзандлар... Мен фарзандларимни ёмон демаймен.

Қайси ота ўз пушти-камаридан бўлғон дилбандини ёмон дейди? Аммо, мен уларни эл сужурғон, улус корига ярайдурғон валламатлар бўлиб вояга етишларини истар эдим-ку!

Ахир мен уларни оталарининг қадрига етадурғон, бир оғиз каломини ерда қолдирмайдурғон, иззат-икромини жойига қўядурғон элнинг оқил ўғиллари бўлиб бўй ҷўзишларини хоҳлар эдим-ку? Э, парвардигор! Нечун орзуладим аро йўлда қолиб кетди?

Нечун? Оҳ!..” деб Яратганга нола қиласи. Айни лавҳада ўзбек отасининг чин маънодаги сийрати ва суврати гавдаланади. Покиза қалб гулшанининг тўридаги беназир ҳисларга йўғрилган олов сўзлар эса кўнгилларга илиқлиқ бахш этади. Ҳикояда бир ўринда юртдан чиқиб кетиши билан боғлиқ тасвир юракни ларзага солади. Мирзо Улуғбекнинг бир сўзи сабаб, бунинг қанчалик даҳшатлигини ҳис қиласиз. Беихтиёр Улуғбек дардини тушунгандай бўласиз.” -Мусофиримен... Карvonсаройга бораётғон эрдим... Ота ўғли...

Шундок деди-ю томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди. Мусоғир! Ўз шаҳрида, ўз элида, бобо юртида... мусоғир!..”. Юрагингиз оғрийди. Бир умр Ватан соғинчи билан яшаган ҳазрат Бобур Мирзо ёдингизга келади. Ҳикояда умрининг сўнгти сонияларини кутиб яшаётган ҳукмдорнинг юрак сасини бир лаҳза бўлсада, тинглагандай бўласиз. Ёзувчи тириклик дунёсини карvonсаройга мензагани Улуғбек тилида воқеалар жараёнида очилади. Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддан чиқиб кетиши билан боғлиқ лавҳада ўша даврдаги тарихий шароит тасвирланади. Айниқса ушбу лавҳа, юртнинг нотинчлиги, ўзаро нифоқлар хусусида маълум бир тасаввур беришига ишонасиз. Карvonсаройдаги воқеа сабаб, Мирзо Улуғбек ўзига бечоралик тожи насиб этганини англаб етади. Май таъсирида Мирзо Улуғбек ўзининг ҳақиқий подшолигини айтиб қўяди. Аммо карvonсаройдаги йигитлар ишонишмайди. Ўшандай вазиятда Мирзо Улуғбек ўзининг ёлғизлигини ҳис қиласи. Бу дунёда нақадар буюк мусибат саналмиш ёлғизлик уни қўрқувга солади. Асар давомида Мухаммад Али мумтоз адабиёт намояндлари ижодини чуқур ўргангани, биргина “Шайх Фаридиддин Аттор ҳам дунёни қудуққа қиёс этган эди-я! Ўша қудуқ шу бўлса керак...” деган сўзлардан англашилади. Май таъсиридан фориғ бўлган хаёллари пароканда Мирзо Улуғбек қудуққа яширинсам мени ҳеч ким топа олмайди деб ўйлайди ва қудуққа тушади. Улуғбек учун ўша дамлар яшаш, умр, олам бир парча осмондан иборат эди гўё.

Ҳикоя сўнгидиа ёзувчининг Мирзо Улуғбек билан Алтойир юлдузининг сухбатини бериши жуда таъсирли чиқкан. Юлдуз билан инсон сухбати китобхонни садоқатли бўлишга ҳамда устознинг қадрига етишга ундейди. Алтойир киёфасида Али Қушчининг овози Мирзо Улуғбекни ўзига келтиради. Аллоҳнинг карами кенглигига шубҳа қилмаган Мирзо Улуғбек қудуқдан чиқади. Лек умрининг ниҳоясига бир кун қолганини билмаслиги аёнлашади. Ҳикояда адаб ўша давр муҳитини янада ёрқин гавдалантириш учун ўша даврда ишлатилган сўзлардан фойдалангани айниқса эътиборлидир. ”Онҳазрат”, ”Етти иқлим шаҳаншоҳи”, ”султонлик маснади”, ”расадхона”, ”Алтойир юлдузи” кабилар.

Умуман олганда, адебнинг ушбу ҳикояси Мирзо Улуғбекнинг фожеали ҳаётидан дарак беради. Бу борада адаб тарихий ҳақиқатни тўғри гавдалантирганлиги, тасвирдаги ўзига хослик, тарихий шахс ҳаётининг маълум бир қирраларидан тўғри хулоса чиқаришга ундейди. Асарнинг тили енгил, осон ўқилади. Албатта, бу ҳолат ёзувчининг бу борадаги маҳорати юксаклигидан бир нишонадир. Ҳикоя китобхонни буюк бобомизга муносиб бўлишга ундаши билан адабиёт ихлосмандлари қалбидан жой олиши табиийдир.

Бошқача айтганда, ушбу ҳикоя мустақиллик шарофати билан тикланаётган улуғларимиз номларини эслаш, улар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни англаш сари қўйилган дадил қадамлардан бири ҳисобланади.

REFERENCES

- 1.М.Али.Алтойир юлдози.Тошкент-2013.12.11- "Ziyo.uz"
- 2.https://t.me/s/yozuvchilar_uyushmasi?after=622
3. М.Али.Амир Темур чамани.Тошкент:.Ўзбекистон-2006-216 6.